

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ



# СПОРТ ИНШООТЛАРИ

фанидан

## ўқув услубий мажмуа

Билим соҳаси:	100000 –	Гуманитар
Таълим соҳаси:	110000 –	Педагогика
Жисмоний маданият йўналиши:	5112000 –	Жисмоний маданият

Тошкент-2019

«Жисмоний маданият» кафедраси

“Спорт иншоатлари” фанидан

## ЎҚУВ УСЛУБИЙ КОМПЛЕКС

Ушбу ўқув-услугий мажмуа “Спорт иншоотлари” фани бўйича яратилган бўлиб, унда мазкур фаннинг ўқув дастури, ишчи дастури, маъруза, семинар ва амалий машғулотларининг таълим технологияси жамланган.

Мазкур ўқув-услугий мажмуа олий таълим муассасаларининг бакалавр таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

Фбдулахатов Ф.Р. - «Факультетлараро Жисмоний тарбия» кафедраси в.б доценти.

Хабибуллаев С.Х. - «Жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси.

Юсупбаева А.С. - «Факультетлараро Жисмоний тарбия» кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

Ачилов Т.С. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти «Мактабгача ва бошланғич таълим» кафедраси доценти.

Ўқув-услугий мажмуа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети кенгашида кўриб чиқилган ва тасдиқланган.

2019-йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - сонли мажлис баёни.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ



СПОРТ ИНШООТЛАРИ ФАНИ

маърузаларини ўрганиш бўйича

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ТОШКЕНТ – 2019 й



Ушбу услубий қўлланмада замонавий спорт иншоотларини бунёд этилиши диёримизда энг йirik мусобақаларини ўтказиш имкониятлари ва спорт иншоотларини қурилишига қўйиладиган талаблар, қурилиш материалларининг хусусиятлари, турлари ҳамда бўлажак мутахасисга уларни технологик лойиҳалаштириш, шунингдек ўзи танлаган спорт туридан спорт иншоотларини ижтимоий тажрибаларини ва ривожланишини ўргатишда ўқитишнинг технологиялаштириш қондалари, усул, воситаларидан фойдаланишнинг таълим технологияси келтирилган.

Тузувчилар:

- Абдулахатов.А.Р. - «Факультетлараро жисмоний тарбия» кафедраси в.б доценти.
- Хабибуллаев С.Х. - «Жисмоний маданият» кафедраси ўқитувчиси.
- Юсупбаева.А.С - «Факультетлараро жисмоний тарбия» кафедраси ўқитувчиси.

## МУНДАРИЖА

№	Мажмуа мазмуни	Бетлар
<b>И</b>	<b>Маъруза машғулоти материаллари</b>	
	<b>Сўз боши</b>	
1	Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот. Спорт иншоотлари таснифи. Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси.	
2	Шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотлари тармоқлари ва режалаштириш.	
3	Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ва спорт иншоотлари. Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш ва спорт майдонлари конструкцияси ва материаллари.	
<b>ИИ</b>	<b>Семинар машғулоти материаллари</b>	
1	Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот. Спорт иншоотлари таснифи. Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси.	
2	Шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотлари тармоқлари ва режалаштириш.	
3	Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ва спорт иншоотлари. Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш ва спорт майдонлари конструкцияси ва материаллари.	
<b>ИИИ</b>	<b>Амалий машғулоти материаллари</b>	
1	Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси.	
2	Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ва спорт иншоотлари.	
3	Баскетбол, волейбол ўйин майдон ўлчамлари.	
4	Футбол, кўл тўпи ўйин майдон ўлчамлари.	
5	Теннис ўйин майдон ўлчамлари.	
6	Ёнгил атлетика учун очиқ спорт иншооти.	
7	Бадий гимнастика. Гимнастика жиҳозлари ва анжомлари.	
8	Гимнастик шаҳарчасини қуриш усуллари.	
9	Сузиш сув ҳавзаси (очиқ ва ёпиқ).	
10	Сузиш сув ҳавзасининг анжомлари ва жиҳозлари. Сув	

	полоси майдони, анжомлари ва жиҳозлари.	
11	Бадминтон майдони.	
12	Кураш ва бокс учун майдончалар.	
13	ЁнгиЛ атлетика сектори. ЁнгиЛ атлетика анжом ва жиҳозлари.	
<b>ИВ</b>	<b>Мустақил таълим материаллари</b>	
<b>В</b>	<b>Глоссарий</b>	
<b>ВИ</b>	<b>Иловалар</b>	
1	Ишчи фан дастури (Баҳолаш мезонлари бўйича услубий кўрсатмалар).	
2	Тестлар	
<b>ВИИ</b>	<b>Тавсия этиладиган адабиётлар</b>	

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов мустақил бўлиш ва унинг истиқболида аҳоли саломатлигининг ўта қимматлиги ва унга эга эришиш йўлларини катта кўтаринкилик билан изҳор қилиб берган. Яъни: “Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан саломатлик тилашган. Бизнинг замонамиз баҳодирларга ва химоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга бу анъаналар бой мерос ҳисобланади ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугунги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари кўмагида синдириш керак”, - деб ҳақли равишда айтган.

Ўзбек халқининг миллий жисмоний тарбияси қадимги аجدодларимиз тарихи билан узвий боғланиб кетади. Бунинг гувоҳи сифатида ўтган бобда такидланганидек, “Алпомиш”, “Кунтуғмуш”, “Қирққиз”, “Гўрўғли” туркумидаги дostonларда жасорат устунлик билан мадх этилган. Отда пойга, найза улоқтириш, қиличбозлик, камондан ўқ отиш мерганлик қилиш каби жисмоний сифатлар қаҳрамонлар сиймоси орқали бутун халқнинг турмуши, маданияти, ҳаракати акс эттирилган. Бу жисмоний машқлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўзининг мазмуни, шакли ва бажариш услубларини бойитиб, ҳозирги даврда улар жаҳон халқларининг сеvimли машғулотларига ҳамда маҳорат учун курашувчи ёшларнинг спортга айланган.

Эътироф этиш керакки, мустақил Ўзбекистоннинг маданияти ва спортини янада ривожлантиришга асос бўлувчи энг муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (1992 йил 14 январ, 2000 йил янги таҳрир) барча аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиш беришни кафиликка олади.

Шу билан бирга қонунда яна “Мактабгача таълим муассасалари ва отмлари ҳар йили камида бир марта мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳамда ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини кўриқдан ўтказадилар. Умумтаълим мактабларида, бошқа отмларида жисмоний тарбия бўйича имтиҳонлар ўтказилади”,-деб кўрсатилган. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний камолотини ошириш, уларни меҳнат ва мудофаа ишларига лаёқатли кишилар қилиб етиштиришга қаратилгандир. Бу имконият ва тадбирларни ҳар бир ўқувчи-ёшлар ўз тафаккурлари билан тушунишлари, Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболига ҳисса қўшиш учун бор имкониятларни ишга солиб, ўз бурчларини адо қилишлари керак. Маълумки, Республика Олий мажлис сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун (1992 йил июл, янги таҳрир 1997) қабул қилиниб, унда таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратиш, ўқиш, меҳнат қилиш, дам олиш учун таълим муассасалари масъулдир дейилган. Бу икки қонуннинг мазмун ва моҳияти ўзаро мужассамланиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўқувчи-ёшларнинг таълим олишлари ва уларни доимо соғлом бўлишлари давлат қонунлари билан муҳофаза қилиш, бўлажак мутахассисларнинг порлоқ келажагини таъминлаш, деб талқин қилиш лозим. Шу тўғрисида барча ўқувчи-ёшлар қаерда таълим олмасин, уларга берилган имтиёзлардан мақсад йўлида фойдаланиш, жисмоний камолотни таъминлаш зарур бўлади ва бу билан жисмоний тарбиянинг ижтимоий ва тарихий моҳиятларини янада кўтарган, уни имкон борича, инсон ҳаётидаги юксак омил эканлигини келажакка мерос қилиб қолдиришга ҳаётий тажриба ва амалиёт асос бўлади.

Шу сабабдан республика спортининг истиқболидаги асосий манбаларнинг ҳолати ва уни ривожлантириш омилларидан хабардор бўлиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилиши диёримизда энг йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш имкониятини бермоқда.

Спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Улар махсус қурилган иншоотлар бўлиб, барча спорт турларидан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлади.

Мустақилликдан кейин болалар буюк келажагимизнинг таянчи деган иборалар юзага келди. Соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш илк болаликдан бошланади. Бунда жисмоний тарбия воситалари, айниқса спорт турлари муҳим ўрин эгаллайди.

«Спорт иншоотлари» фани спорт педагогикаси босқичида унинг бир бўлаги ҳисобланади. Бу босқичда илм ўрганиш учун спорт гигиенаси, биомеханика, педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва услубиятидан маълум даражада билимларга эга бўлиши лозим.

Ўқув фанининг мақсади. Талабаларда спорт иншоотлари фани бўйича назарий билимни эгаллаш ва амалда уларни қўллай билиш малака ва кўникмаларга эга қилишдан иборат.

Ўқув курсининг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун мазкур фан бўйича ўқув материали мазмуни ҳар хил жиҳозлардан, қурилмалардан фойдаланишни, уларни тайёрлаш қоидаларини ва усулларини, ҳаракат ва машқларга мустақил жой тайёрлашни, спорт иншоотларининг атроф муҳитга таъсирини тўғри ҳисобга олишни ўргатади

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим ўз моҳиятига кўра таълим жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутаяди. Бу эса таълимни лойиҳалаштирилади, албатта, маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни назарда тутаяди.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жараённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларини ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жараёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини яратиш заруриятини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик, тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларни объектив қарама-қаршилиги ва уни ҳал этиш усулларини аниқлаш, диалектик тафаккурни ва уларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш-бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзу, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган), анжуман, аниқ вазиятларни ечиш), мунозара, муаммоли услуб, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор-сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усуллари.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот, кўргазмали, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар, макетлар, спорт иншоотларининг қурилиш объектлари) билан бир қаторда-чизмали органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.



Коммуникатция усуллари: талабалар билан тезкор қайтар алоқага асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Қайтар алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор-сўров, спорт иншоотларини смета ва лойиҳа чизмаларини таҳлили ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берувчи технологик карта кўринишидаги (спорт иншоотларининг макетлари) ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ва бутун курс давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг (Амалий вазифаларнинг ижроси) натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Курс охирида тест топшириқлари (Амалий топшириқлар) ёрдамида тингловчилар (талабалар)нинг билимлари баҳоланади.

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

1-Мавзу	Спорт иншоотлари ҳақида тушунча. Қадимий дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари ҳақида қисқача тарихий маълумот.
---------	--

## 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: та
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Спорт иншоотлари ҳақида тушунча.</li> <li>2. Спорт иншоотлари кўп қиррали маданий соғломлаштирувчи спорт мажмуаси сифатида.</li> <li>3. Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида.</li> <li>4. Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида.</li> <li>5. Янги давр спорт иншоотлари ҳақида.</li> </ol>
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўқув фани бўйича умумий тушунча бериш. Талабаларни спорт иншоотлари тарихи ва ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумотларга эга қилиш.	
<p style="text-align: center;">Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тузилмавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш;</li> <li>-Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар келтириш.</li> <li>-Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида. маълумотлар келтириш.</li> <li>-Янги давр спорт иншоотлари ҳақида. маълумотлар келтириш.</li> <li>-Мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар бериш.</li> </ul>	<p style="text-align: center;">Ўқув фаолияти натижалари:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни тузилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб беришлари керак;</li> <li>-Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида маълумотларни билишлари керак.</li> <li>-Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида. маълумотларни билишлари керак.</li> <li>-Янги давр спорт иншоотлари ҳақида. маълумотларни билишлари керак.</li> <li>-Мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар билишлари.</li> </ul>
Таълим бериш усуллари	Кўрғазмали, маъруза, суҳбат, тармоқлар.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, макет, спорт иншоотлари қурилиш объектлари.
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория, спорт иншоотлари макетлари, қурилиш объектлари.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб, мустақил иш бажариш, лойиҳалаштириш, технологик чизмалар чизиш.

1.2. «Спорт иншоотлари ҳақида тушунча. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари тўғрисида тарихий маълумот» маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқич-лари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи.	<p>1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.</p> <p>2. Кириш маърузаси учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва талабаларга эълон қилиш.</p> <p>4. Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Ўқув фани номини айтилиб экранга фаннинг тузилмавий мантикий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таърифлаб изоҳлар беради (1-илова).</p> <p>1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова).</p> <p>1.4. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (3-илова).</p>	<p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Саволлар билан мувожаз қиладилар.</p>
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Поинт дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради.</p> <p>2.2. Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида маълумотларни слайдлар кузатувида кўрсатиб тушунтиради, изоҳлайди (4-илова).</p> <p>2.2. Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида. маълумотларни слайдлар кузатувида кўрсатиб тушунтиради, изоҳлайди (5-илова).</p> <p>2.3. Янги давр спорт иншоотлари ҳақида. маълумотларни слайдлар кузатувида кўрсатиб тушунтиради, изоҳлайди (6-илова).</p> <p>2.4. Мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида маълумотларни слайдлар кузатувида кўрсатиб тушунтиради, изоҳлайди (7-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, ёзидилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзидилар.</p>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тайёрланган «Спорт иншоотлари» номли ўқув қўлланмани 3-26 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келишларини</p>	<p>Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.</p>

	тавсия этаман (9-10 иловалар).	
--	--------------------------------	--

Мавзу бўйича ўқув материаллари:

Кириш мавзуси. «Спорт иншоотлари ҳақида тушунча. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари тўғрисида тарихий маълумот» .

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов мустақилликка бўлиш ва унинг истиқболида аҳоли саломатлигининг ўта қимматлиги ва унга эга эришиш йўллари катта қўтаринкилик билан изҳор қилиб берган. Яъни: “Бизнинг ота-боболаримиз кишилар билан учрашганда ёки хайрлашганда, аввало, чин юракдан саломатлик тилашган. Бизнинг замонамиз баҳодирларга ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга бу анъаналар бой мерос ҳисобланади ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда. Бугинги кунда ҳамма жойда спортнинг миллий турлари қайта тикланмоқда. Ўзининг саломатлиги ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиб бориш маданиятини ёшлиқдан, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари кўмагида сингдириш керак”, - деб ҳақли равишда айтган.

Ўзбек халқининг миллий жисмоний тарбияси қадимги аجدодларимиз тарихи билан узвий боғланиб кетади. Бунинг гувоҳи сифатида ўтган бобда такидланганидек, “Алпомиш”, “Кунтуғмуш”, “Қирққиз”, “Гўрўғли” туркумидаги дostonларда жасорат устунлик билан мадҳ этилган. Отда пойга, найза улоқтириш, қиличбозлик, камондан ўқ отиш мерганлик қилиш каби жисмоний сифатлар қаҳрамонлар сиймоси орқали бутун халқнинг турмуши, маданияти, ҳаракати акс эттирилган. Бу жисмоний машқлар авлоддан-авлодга ўтиб, ўзининг мазмуни, шакли ва бажариш услубларини бойитиб, ҳозирги даврда улар жаҳон халқларининг сеvimли машғулотларига ҳамда маҳорат учун курашувчи ёшларнинг спортга айланган.

Эътироф этиш керакки, мустақил Ўзбекистоннинг жисмоний тарбия ва спортини янада ривожлантиришга асос бўлувчи энг муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонуни (1992 йил 14 январ, 2000 йил янги таҳрир) барча аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб беришни кафилликка олади. Шу билан бирга қонунда яна “Мактабгача таълим муассасалари ва ОТМлари ҳар йили камида бир марта мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳамда ўқувчи-ёшларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини кўрикдан ўтказадилар. Умумтаълим мактабларида, бошқа ўқув юртларида жисмоний тарбия бўйича имтиҳонлар ўтказилади”,-деб кўрсатилган. Бу эса ўқувчи-ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний камолотини ошириш, уларни меҳнат ва мудофаа ишларига лаёқатли кишилар қилиб етиштиришга қаратилгандир. Бу имконият ва тадбирларни ҳар бир ўқувчи-ёшлар ўз тафаккурлари билан тушунишлари, Мустақил Ўзбекистоннинг истиқболига ҳисса қўшиш учун бор имкониятларни ишга солиб, ўз бурчларини адо қилишлари керак. Маълумки, Республика Олий мажлис сессиясида “Таълим тўғрисида”ги қонун (1992 йил июл, янги таҳрир 1997) қабул қилиниб, унда таълим олувчиларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашни кафолатловчи шарт-шароитлар яратиш, ўқиш, меҳнат қилиш, дам олиш учун таълим муассасалари маъсулдир дейилган. Бу икки қонуннинг мазмун ва моҳияти ўзаро мужассамланиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ўқувчи-ёшларнинг таълим олишлари ва уларни доимо соғлом бўлишлари давлат қонунлари билан муҳофаза қилиш, бўлажак мутахассисларнинг порлоқ келажагини таъминлаш, деб талқин қилиш лозим. Шу туфайли барча ўқувчи-ёшлар қаерда таълим олмасин, уларга берилган имтиёзлардан мақсад йўлида фойдаланиш, жисмоний камолотни таъминлаш зарур бўлади ва бу билан жисмоний тарбиянинг ижтимоий ва тарихий моҳиятларини янада қўтарган, уни имкон борича, инсон ҳаётидаги юксак омил эканлигини келажакка мерос қилиб қолдиришга ҳаётий тажриба ва амалиёт асос бўлади. Шу сабабдан

республика спортининг истиқболидаги асосий манбаларнинг ҳолати ва уни ривожлантириш омилларидан хабардор бўлиш муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳавола этилаётган мазкур ўқув-услубий мажмуа махсус ўқув курснинг ёритилиши ва ўқув қўлланмада баён этилган фикр ва мулоҳазаларни талабаларга етказиш мақсадида олий таълимнинг жисмоний тарбия йўналишлари ва ўқитувчи мутахассислиги учун 32 соатлик (10 соат маъруза, 10 амалий, 12 соат семинар машғулотлари), Ўқув-услубий мажмуа асосан “Спорт иншоотлари” курси бўйича тақсил берадиган профессор-ўқитувчилар ҳамда талаба (ўқувчи)лар учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда халқаро спорт тадбирлари (мусобақалари) мустақилликка қадар ўтказилмаган бўлса, сўнгги йилларда республикаимиз энг йирик халқаро мусобақаларни юксак ташкилий даражада ўтказишга қодир бўлган мамлакат сифатида шухрат қозонди.

Замонавий спорт иншоотларинингбунёд этилиши диёримизда энг йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш имкониятини бермоқда. Спорт иншоотлари жисмоний тарбиянинг моддий техникавий асоси ҳисобланади. Улар махсус қурилган иншоотлар бўлиб, барча спорт турларидан жисмоний тарбия машғулотлари ўтказишга мўлжалланган бўлади.

Мустақилликдан кейин болалар буюк келажагимизнинг таянчи деган иборалар юзага келди. Соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш илк болаликдан бошланади. Бунда жисмоний тарбия воситалари, айниқса спорт турлари муҳим ўрин эгаллайди. «Спорт иншоотлари» фани спорт педагогикаси босқичида унинг бир бўлаги ҳисобланади. Бу босқичда илм ўрганиш учун спорт гигиенаси, биомеханика, педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва услубиятидан маълум даражада билимларга эга бўлиши лозим.

Спорт иншоотлари-бу махсус фаолиятга мўлжалланган кўп қиррали маданий соғломлаштирувчи спорт мажмуаси бўлиб, Республикаимизда спорт майдонлари, сузиш ҳовузлари, манежлар ва бошқа иншоотлар ўқув машқлар ўтказишга ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш учун барпо этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида спорт иншоотларини режалаштириш умумхалқ дастурга киради.

Замонавий спорт иншоотларини бунёд этилиши диёримизда энг йирик мусобақаларини ўтказиш имкониятлари ва спорт иншоотларини қурилишига қўйиладиган талаблар, қурилиш материалларининг хусусиятлари, турлари ҳамда бўлажак мутахасисга уларни технологик лойиҳалаштириш, шунингдек талабанинг ўзи танлаган спорт туридан спорт иншоотларини ижтимоий тажрибаларини ва ривожланишини ўргатади.

Ҳозирги кунда спортни ривожлантиришга Республикаимизда катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун спорт иншоотларини қуришда режалаштириш каби масалаларга ечим топилиши зарур бўлиб, улар бугунги кун талабларига мос тушиши лозим.

Жисмоний тарбия ва спортнинг тарихий илдизлари қадимдан маълум. Археологик қазилмалар натижасида спорт билан шуғулланиш тош асрида ҳам бўлганлиги аниқланган. Бунга асос бўлиб тарихий қазилмаларда спорт қурилишлари топилганлиги хизмат қилади. (Ҳиндистон, Арабистон, Ўрта Осиё ва Жанубий Америка). Қадимий замондан олимлар жисмоний тарбияни аҳамиятини яхши тушунишган.

Жисмоний тарбия ва спорт соғлиқни мустаҳкамловчи меҳнаткашларнинг иш қобилиятларини оширувчи ишлаб чиқариш кучини ривожлантирувчи асосий муҳим манбадир.

Тарихдан маълумки, қадимий Грецияда спорт мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақаларни ўтказиш учун хар бир шаҳарда спорт иншоотлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар ҳам бунини исботлаб берган. Масалан, Эгей денгизи соҳилларидаги Крит оролининг Микен шаҳри қазилмаларида хар хил ўйинлар, машқлар ва тортишувлар тасвирлари ифода этилган. Жисмоний машқлар ҳарбий жисмоний тайёрлаш учун қўллаганлар.

Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” поэмаларида оммавий югуриш, кураш, муштлашиш, диск улоқтириш, камондан ўқ отиш, араваларда пойгалашиш (эр. Олдинги ХИИ-ИХ аср) батафсил ёритиб борилган.

## Эленистик давр. Қадимий Рим даври.

Ўрта асрни бошланиши жисмоний тарбияни бутунлай пасайиб кетиши билан тавсифланади. Бунга сабабчи бўлиб аввалом бор христиан динидир. Христиан дини бўйича одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланишини инкор этилган.

Давлат дини бўлиши билан жуда кўп стадионлар ва спорт иншоотлари қонунсиз емирилишига сабаб бўлди. Лекин X-XII асрларда секин аста спорт ўйинлари ва машқлар ривожлана бошлади. Бунга XII аср бошланган шарқнинг савдо истилоси, борди-келди юришлар ва рицарликнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди.

Юришдан бўшаган вақтларда рицарлар асосан ҳарбий машқлар бажарардилар ва турнирларда қатнашардилар.

Рицарларнинг алоҳида қоидага эга бўлган турли ўйинлари сарой ҳовлиларида ўтказилган.

Ўрта асрлар жисмоний машқларнинг ўргатилишидан асосий мақсад рицарларни уришга, жангга тайёрлаш эди.

Буржуазия тузуми Европа мамлакатлари иқтисодиётини ўз қўлига олиб, сиёсий ҳукумронликни эгаллаган эди. Капиталистик ишлаб чиқариши жадал ривожланаётган мамлакатларнинг йирик спорт иншоотларини яратишга имконияти бўлган.

Шундайлардан 1806-1807 йил қурилган катта Милан спорт аренасидир. XIX аср ўрталарида Европада катта спорт залларга эга бўлган бинолар (вокзаллар, универсал магазинлар ва бошқалар) қурилган. Спорт заллари ва майдонлари пайдо бўлди.

Бироқ Европанинг турли мамлакатларида оммавий спорт иншоотларини қурилиши спорт жамиятлари, клублари, ўртасида алоқа ўрнатилган, турли мамлакатлар билан спорт алоқалари ривожланган ҳамда олимпия ўйинлари ўтказила бошланган даврда, яъни XIX аср охирларида бошланди. Бу даврда стадионлар, спорт залларигина эмас, балки велотреklar, трамплинлар, қишки ва ёзги сув спорти турлари учун ҳам иншоотлар қурилган.

Олимпия спорт иншоотларини ўрганишда, уларга қўйилган асосий технологик талабларни тушуниб, давр ўтган сайин турли мамлакатлардаги спорт иншоотларининг қурилиш ривожланиб ўсганини тушунамиз.


Спорт иншоотларининг тоифалари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасдиқланган кўрсаткичларига мос равишда белгиланади. I ва II тоифаларни республика спорт кўмиталари, қолганларини вилоят ва туман кўмиталари белгилайди.

Республикада хозирги халқаро стандарт миқёсидаги спорт иншоотлари жуда кўп қурилмоқда. Кўпгина спорт иншоотлари фақатгина шаҳарларда қурилибгина қолмасдан, балки туман ва вилоят марказлари ва қишлоқларда қурилмоқда. Одамларни оммавий жисмоний тарбия ва даволаш марказларига жамлаб, ёшларни ишга ва Ватан ҳимоясига тайёрламоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.


Хусусан Тошкент, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган қатор спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги «Юнусобод», «Жар», Миллий банк, Наманган шаҳрида «Паҳлавон», Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

2000 йилга келиб мамлакатимизда спорт иншоотлари сони 7407 тага етди ёки 1992 йидагига нисбатан 19 фоизга кўпайди. Уларни бунёд этишда, айниқса, мураккаб спорт иншоотлари-стадионлар, сузиш хавзалари, спорт залларига алоҳида эътибор берилляпти.



Кўргазмали материаллар

1. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари.





Биринчи машғулот мавзуси: Спорт иншоотлари ҳақида тушунча. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотлари тўғрисида тарихий маълумот.

Машғулот мақсади: Ўқув фани бўйича умумий тушунча бериш. Спорт иншоотлари тарихи ва ривожланиш босқичлари тўғрисида маълумотлар бериш.

Ўқув фаолияти натижалари: Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида маълумотларни билишлари керак.

Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида маълумотларни билишлари керак.

Янги давр спорт иншоотлари ҳақида. маълумотларни билишлари керак.

Мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар билишлари;

Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Спорт иншоотлари (ўқув қўлланма) 2007 й.
2. Ҳарбий спорт ва спорт иншоотлари 2000 й.
3. Спорт қурилмалари. 2000 й.

Жонлантириш учун саволлар.

1. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида айтиб беринг.
2. Спортни оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида чиқарилган қонун ва қарорлар ҳақида айтиб беринг.
3. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотларининг қурилиши жиҳатларидан бир-биридан фарқлари?
4. Тошкентда жойлашган спорт комплексларидан қайси бирида бўлгансиз ва улар тўғрисида айтиб беринг.

Спорт иншоотлари ҳақида тушунча.

Спорт иншоотлари-бу махсус фаолиятга мўлжалланган кўп қиррали маданий соғломлаштирувчи спорт мажмуаси бўлиб, Республикаимизда спорт майдонлари, сузиш ҳовузлари, манежлар ва бошқа иншоотлар ўқув машқлар ўтказишга ҳамда оммавий тадбирларни ўтказиш учун барпо этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида спорт иншоотларини режалаштириш умумхалқ дастурга киради.

Замонавий спорт иншоотларини бунёд этилиши диёримизда энг йирик мусобақаларини ўтказиш имкониятлари ва спорт иншоотларини қурилишига қўйиладиган талаблар, қурилиш материалларининг хусусиятлари, турлари ҳамда бўлажак мутахасисга уларни технологик лойиҳалаштириш, шунингдек талабанинг ўзи танлаган спорт туридан спорт иншоотларини ижтимоий тажрибаларини ва ривожланишини ўргатади.

Хозирги кунда спортни ривожлантиришга Республикаимизда катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун спорт иншоотларини қуришда режалаштириш каби масалаларга ечим топилиши зарур бўлиб, улар бугунги кун талабларига мос тушиши лозим.

### Қадимги дунё спорт иншоотлари ҳақида.

Жисмоний тарбия ва спортнинг тарихий илдизлари қадимдан маълум. Археологик қазилмалар натижасида спорт билан шуғулланиш тош асрида ҳам бўлганлиги аниқланган. Бунга асос бўлиб тарихий қазилмаларда спорт курилишлари топилганлиги хизмат қилади. (Ҳиндистон, Арабистон, Ўрта Осиё ва Жанубий Америка). Қадимий замондан олимлар жисмоний тарбияни аҳамиятини яхши тушунишган.

Жисмоний тарбия ва спорт соғлиқни мустаҳкамловчи меҳнаткашларнинг иш қобилиятларини оширувчи ишлаб чиқариш кучини ривожлантирувчи асосий муҳим манбадир.

Тарихдан маълумки, қадимий Грецияда спорт мусобақалари ўтказилган. Бу мусобақаларни ўтказиш учун ҳар бир шаҳарда спорт иншоотлари мавжуд бўлган. Археологик қазилмалар ҳам буни исботлаб берган. Масалан, Эгей денгизи соҳилларидаги Крит оролининг Микен шаҳри қазилмаларида ҳар хил ўйинлар, машқлар ва тортишувлар тасвирлари ифода этилган. Жисмоний машқлар ҳарбий жисмоний тайёрлаш учун қўллаганлар.

Гомернинг “Илиада” ва “Одиссея” поэмаларида оммавий югуриш, кураш, муштлашиш, диск улоқтириш, камондан ўқ отиш, араларда пойгалашиш (эр. Олдинги ХИИ-ИХ аср) батафсил ёритиб борилган.

Эллинистик давр. Қадимий Рим даври.

### Ўрта аср спорт иншоотлари ҳақида.

Ўрта асрни бошланиши жисмоний тарбияни бутунлай пасайиб кетиши билан тавсифланади. Бунга сабабчи бўлиб аввалом бор христиан динидир. Христиан дини бўйича одам танасининг маданияти ва ҳар томонлама ривожланишини инкор этилган.

Давлат дини бўлиши билан жуда кўп стадионлар ва спорт иншоотлари қонунсиз емирилишига сабаб бўлди.

Лекин X-XII асрларда секин аста спорт ўйинлари ва машқлар ривожлана бошлади. Бунга XII аср бошланган шарқнинг савдо истилоси, борди-келди юришлар ва рицарликнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди.

Юришдан бўшаган вақтларда рицарлар асосан ҳарбий машқлар бажарардилар ва турнирларда қатнашардилар.

Рицарларнинг алоҳида қоидага эга бўлган турли ўйинлари сарой ҳовлиларида ўтказилган.

Ўрта асрлар жисмоний машқларнинг ўргатилишидан асосий мақсад рицарларни уришга, жангга тайёрлаш эди.

### Янги давр спорт иншоотлари ҳақида.

Буржуазия тузуми Европа мамлакатлари иқтисодиётини ўз қўлига олиб, сиёсий ҳукумронликни эгаллаган эди. Капиталистик ишлаб чиқариши жадал ривожланаётган мамлакатларнинг йирик спорт иншоотларини яратишга имконияти бўлган.

Шундайлардан 1806-1807 йил қурилган катта Милан спорт аренасидир. XIX аср ўрталарида Европада катта спорт залларга эга бўлган бинолар (вокзаллар, универсал магазинлар ва бошқалар) қурилган. Спорт заллари ва майдонлари пайдо бўлди.

Бироқ Европанинг турли мамлакатларида оммавий спорт иншоотларини қурилиши спорт жамиятлари, клублари, ўртасида алоқа ўрнатилган, турли мамлакатлар билан спорт алоқалари ривожланган ҳамда олимпия ўйинлари ўтказила бошланган даврда, яъни XIX аср охирларида бошланди. Бу даврда стадионлар, спорт залларигина эмас, балки велотреклар, трамплинлар, қишки ва ёзги сув спорти турлари учун ҳам иншоотлар қурилган.

Олимпия спорт иншоотларини ўрганишда, уларга қўйилган асосий технологик талабларни тушуниб, давр ўтган сайин турли мамлакатлардаги спорт иншоотларининг қурилиш ривожланиб ўсганини тушунамиз.

8-илова

Мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида.

Спорт иншоотларининг тоифалари Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасдиқланган кўрсаткичларига мос равишда белгиланади. I ва II тоифаларни республика спорт кўмиталари, қолганларини вилоят ва туман кўмиталари белгилайди.

Республикаимизда ҳозирги халқаро стандарт миқёсидаги спорт иншоотлари жуда кўп қурилмоқда. Кўпгина спорт иншоотлари фақатгина шаҳарларда қурилибгина қолмасдан, балки туман ва вилоят марказлари ва қишлоқларда қурилмоқда. Одамларни оммавий жисмоний тарбия ва даволаш марказларига жамлаб, ёшларни ишга ва Ватан ҳимоясига тайёрламоқда.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базасини ривожлантириш юзасидан катта ишлар амалга оширилди.

Хусусан Тошкент, Наманган, Фарғона, Бухоро, Хоразм, Андижон, Самарқанд, Гулистон ва бошқа шаҳарларда халқаро стандартларга жавоб берадиган катор спорт мажмуалари қурилди. Тошкент шаҳридаги «Юнусобод», «Жар», Миллий банк, Наманган шаҳрида «Паҳлавон», Жиззах шаҳридаги олимпия захиралари коллежи спорт мажмуалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

2000 йилга келиб мамлакатимизда спорт иншоотлари сони 7407 тага етди ёки 1992 йидагига нисбатан 19 фоизга кўпайди. Уларни бунёд этишда, айниқса, мураккаб спорт иншоотлари-стадионлар, сузиш хавзалари, спорт залларига алоҳида эътибор берилляпти.



### 3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа:

8-илова

Умумий классификациясига мувофиқ спорт иншоотлари таркибини аниқланг.		
Б) ёрдамчи хона ва иншоотлар;	Асосий иншоот	В) томошабин учун жойлар;

8-илова

Спорт иншоотлари туркумларини ёзиб келинг			
Очиқ	Алоҳида	Мажмуали	Ёпиқ
	Ёпиқ	Очиқ	

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар.

1. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида айтиб беринг.
2. Спортни оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида чиқарилган қонун ва қарорлар ҳақида айтиб беринг.
3. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотларининг қурилиши жиҳатларидан бир-биридан фарқларини айтинг.
4. Тошкентда жойлашган спорт комплексларидан қайси бирида бўлгансиз ва улар тўғрисида айтиб беринг.


2-Мавзу	Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларнинг шаклланиши ҳамда технология чизмаси.
---------	--

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти - 2 соат	Талабалар сони: та	
Машғулот шакли	Амалий иш бажариш, лойиҳалаштириш.	
Машғулот режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари.</li> <li>2. Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамлари.</li> <li>3. Спорт майдонларининг ориентацияси.</li> <li>4. Стадион трибуналари.</li> <li>5. XX асрнинг универсал иншоотлари.</li> <li>6. Спорт майдонларининг технологик чизмалари.</li> </ol>	
Ўқув машғулотининг мақсади: Спорт иншоотларини шакл ва ўлчамларини ўргатиш. Спорт иншоотларини технологик чизмалари бўйича дастлабки малакаларга эга қилиш.		
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқув машғулотини мақсади ва вазифалари, ўтиладиган машғулотнинг мантиқий кетма-кетлигини чизма ёрдамида шархлаш.</li> <li>➤ Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари ўргатиш, кўрсатиш.</li> <li>➤ Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамларини кўрсатиш аниқлаш, ёздириш.</li> <li>➤ Спорт майдонларининг ориентацияси бўйича амалий иш ўргатиш.</li> <li>➤ Стадион трибуналари.</li> <li>➤ XX асрнинг универсал иншоотларини томоша қилдириш.</li> <li>➤ Спорт майдонларининг технологик чизмаларини кўрсатиш, чиздириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Ўқув машғулотини мақсади ва вазифалари, ўтиладиган машғулотнинг мантиқий кетма-кетлигини чизма ёрдамида шархлашни ва изоҳлай олиш.</li> <li>✓ Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамларини билиш ва чиза олиш.</li> <li>✓ Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамларни билиш.</li> <li>✓ Спорт майдонларининг ориентациясини тўғри олишни билиш.</li> <li>✓ Стадион трибуналари ҳақида барча маълумотларга эга қилиш.</li> <li>✓ XX асрнинг универсал иншоотлари ҳақида билиш.</li> <li>✓ Спорт майдонларининг технологик чизмаларини чиза олиш.</li> </ul>	
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, амалий иш, «Блиц ўйин».	
Таълим бериш шакллари	Индивидуал, гуруҳли.	
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, макет, спорт иншоотлари макетлари, чизмалари, лойиҳалари.	
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория, спорт иншоотлари макетлари, чизмалари, лойиҳалари.	
Мониторинг ва баҳолаш	Мустақил иш бажариш, лойиҳалаштириш, технологик чизмалар чизиш.	


1.2. «Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси» мавзусида амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи. (бир неча кун аввал)	<p>1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.</p> <p>2. Амалий машғулотнинг тақдимот слайдаларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар фаолиятини баҳолаш мезонларини талабаларга эълон қилиш.</p> <p>4. Ўқув материалларни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш, ўрганиш ва ҳ.к.</p> <p>5. Машғулотни амалий тарзда ўтказишни таъминлайдиган барча восита ва моддий таъминотни хозирлаш.</p>	Имкон қадар ушбу тайёргарлик жараёнига иштирок этадилар.
1-босқич Мавзуга кириш (15 ақиқа)	<p>1.1. Ўқув машғулотини мақсади ва вазифалари, ўтиладиган машғулотнинг мантиқий кетма-кетлигини чизма ёрдамида шарҳлаб бериш (1-илова).</p> <p>1.2. Талабаларни ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.3. Талабаларга баҳолаш мезонлари маълум қилади (2-илова).</p> <p>1.4. Талабалар фаолиятини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (3-илова).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Саволлар билан мурожат қиладилар.</p>
2-босқич Асосий босқич (55 ақиқа)	<p>2.1. Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари ўргатиш, кўрсатиш.</p> <p>2.2. Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамларини кўрсатиш англатиш, ёздириш.</p> <p>2.3. Спорт майдонларининг ориентацияси бўйича амалий иш ўргатиш.</p> <p>2.4. Стадион трибуналари.</p> <p>2.5. XX асрнинг универсал иншоотларини томоша қилдириш.</p> <p>2.6. Спорт майдонларининг технологик чизмаларини кўрсатиш, чиздириш.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Чизадилар.</p> <p>Тинглайдилар, ёзадилар.</p> <p>Чизадилар.</p>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Мустақил ишлаш учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тайёрланган «Спорт иншоотлари» номли ўқув кўланмани 27-74 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келишлари ва чизмаларини чизиш (9-10 иловалар).</p>	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.



## Кўргазмали материаллар

1.2. «Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси» мавзусида амалий машғулотнинг





Амалий машғулот мавзуси: «Спорт иншоотларини шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технология чизмаси».

Машғулот мақсади: «Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари, уларни шаклланиши ҳамда технологик чизмалари» тўғрисидаги маълумотларни талабаларга чуқурроқ етказиш ва уларнинг айримларини талабаларнинг бевосита иштирокида лойиҳа чизмаларини чизиш.

2-илова

Ўқув фаолияти натижалари:

- Ўқув машғулотини мақсади ва вазифалари, ўтиладиган машғулотнинг мантиқий кетма-кетлигини чизма ёрдамида шархлашни ва изоҳлай олиш.
- Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамларини билиш ва чиза олиш.
- Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамларни билиш.
- Спорт майдонларининг ориентациясини тўғри олишни билиш
- Стадион трибуналари ҳақида барча маълумотларга эга қилиш.
- XX асрнинг универсал иншоотлари ҳақида билиш.
- Спорт майдонларининг технологик чизмаларини чиза олиш.

3-илова

Мазкур амалий машғулот учун 1 дан 5 баҳогача қўйилади.

Ўқув курсини ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

Асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар

1. Султанова М.М, Янченко Н.В. Спорт иншоотлари назарияси, шакли ва ўлчамлари Тошкент 1994 й.
2. Нурмухамедов К.И., Филатов Б.М. Ценообразование на спортивных сооружениях в условиях перехода к рыночной экономике. Ташкент 1992 г
3. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Қонуни 1992 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Белов Ю.М. «Олимпийские стадионы: их роль и значение как система образующих факторов Олимпийского движения и феномена урбанизма XX века» 2001 г.
2. Воронов. Б.Л., Кузьмичев Е.В. «Формирование семи физкультурно-спортивных сооружений с учётом атмосферной экологии» 2002 г.
3. Корбут В.И. и др. Оказание услуг по физической культуре и спорту населению на спортивных сооружениях в условиях рынка из опыта РСТО «Пахтакор», «Буревестник», гребная база УзГосИФК. Ташкент 1992 г.

### Жонлантириш учун саволлар.

1. Спорт иншоотларидан қайси бири ҳақида кўпроқ маълумотга эгасиз ва билганларингизни айтиб беринг.
2. Спорт майдонларини қурилишидан аввал қандай масалаларни инобатга олиш керак.
3. Стадион трибуналарини кўрганмисиз, трибуналар тўғрисида гапириб беринг.
4. XX асрнинг универсал иншоотлари деганда қандай тасаввурга эгасиз?
5. Спорт иншоотларининг шаҳар ва қишлоқларда қурилиши учун асос бўладиган меърий ҳужжатлар деганда нимани тушунасиз?

### Мавзу бўйича ўқув материаллари:

#### 1. Спорт иншоотларининг шакли ва ўлчамлари.

Спорт иншоотлари-бу махсус қурилган ва ўз фаолиятида кўпқиррали маданий ва спорт тадбирлари ва анжуманлари ўтказиладиган маскандир. Замонавий тасаввурда спорт иншоотлари деганда ўқув машғулотлар, турли қишқи ва ёзги спорт турлари бўйича мусобақалар учун мўлжалланган ҳар хил иншоотлар комплекси тушунилади. Комплексининг асосий иншооти стадиондир, яъни томишабинлар учун мўлжалланган трибуна асосий спорт аренаси. Томошабинларнинг сони ҳамда уларга хизмат кўрсатувчиларга, мусобақалар, спорт машғулотларининг турлари ва характериға кўра стадионларнинг турлари белгиланади.

Замонавий стадионларнинг спорт аренаси босқичма-босқич шаклланиши жараёнида тузилишиға нисбатан таркиби ва ўлчамлари жиҳатидан юқори даражада такомиллашди. Бундай стадионлар стандарт ўлчамли радиуси 36 м бўлган ва 400 м масофаға югуриш йўлкаси билан ўралган футбол майдонидан (104x69 метр) ҳамда енгил атлетика учун мўлжалланган секторлардан ташкил топган.

Стадионда томишабинлар сифимиға кўра трибуналар спорт аренасининг бир ёки икки томонида жойлашади. Улар тақасимон, овал, эллипссимон ёки бошқа ёпиқ ҳалқасимон формада бўлиши мумкин

## 2. Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамлари.


1-жадвал

**Спорт ўйин майдонларининг асосий ва киритилиши мумкин бўлган ўлчамлари**

Спорт тури бўйича ўйин майдонлари	Ўйин майдонларининг ўлчамлари (м)				Осонлаштирилган қоида бўйича ўйин майдони ўлчами	
	ўйин		қурилиш		узунлиги	эни
	узунлиги	эни	узунлиги	эни		
Баскетбол	28	15			26	14
Волейбол	18	9	24	15	15	7,5
Қўл тўпи	40	20	44	23	36	18
Бадминтон	13,4	6,1	15	8	12	5
Теннис			40	20	36	18
Футбол	90	60	98	64	60	40
а) қоида бўйича	110	75	118	79	75	50
б) спорт ядро лойиҳаси тип бўйича	104	69				

Спорт майдонлар қурилишида шуни кўзда тутиш керакки, ўйин вақтида қуёш ён томондан тушиши лозим (унинг ўрта чизиғи бўйлаб).

## 3. Спорт майдонларининг ориентацияси.



#### 4. Стадион трибуналари.

Трибуналар кўп ҳолларда, ареналари бош режаларида икки ён тарафдан овал кўринишида ёки овал кўринишида қурилади. Бунда футбол майдони 69x104 м, айланма югуриш йўлкаси узунлиги 400 м, футбол майдони ва чопиш йўлкаси орасида эса икки енгил атлетика сектори жойлашган бўлади. Катта стадионлардаги спорт ареналарида енгил атлетика машғулотлари учун қўшимча югуриш йўлкасининг ташқи чегаралари бўйлаб қўшимча майдончалар ташкил этилади.

Трибуналарнинг сифими стадионнинг қайси турга мўжалланганлигига қараб, 2.5 дан 100 метргача ўриндиқ ва тик туриш ўриндиғига эга бўлади.

Спортчилар ва томошабинлар учун қуйидаги трибуна остида ёки алоҳида бинода хоналар ажратилади; спортчилар учун-вестибюль-грелка гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва туалет хоналари, массаж, тиббиёт хонаси, ҳакамлар инструкторлар учун хоналар, дам олиш хонаси, буфетлар, спорт анжомларини сақлаш хоналари ва бошқалар;

томошабинлар учун-касса, кулуар, ҳожатхона, буфет (ресторан), киоск ва бошқалар;

маъмурий-хўжалик хоналари-бошқарув ва муҳофаза, анжомлар ва бошқалар.


Ўтирганда ва турганда тўлиқ кўринишни таъминлаш усуллари (қирқим ва режада), трибуналарнинг тўлиши ва бўшашида (томошабин-одамларни эвакуация йўллари) уларнинг турли конструкциялардан ва материаллардан фойдаланилганлиги турли типдаги трибуналарни шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Табиийки, трибуналарнинг қирқим характери стадионнинг умумий архитектуравий-фазовий композициясига катта таъсир кўрсатади.

Замонавий стадионларда бир қаватли трибуналарга нисбатан икки қаватли трибуналарни қўллаш одат тусига кирмоқда.


Икки қаватли қурилмалардан фойдаланиш томошабинлар қаторларининг спорт аренасига яқинлашиши билан бирга, иккинчи қават биринчи қаватнинг ҳимоя ёпмаси кўринишида хизмат қилади ҳамда икки томонлама ёритирилганликни ва шамоллатишни, шунингдек, иккинчи қават остида бир қатор қўшимча хоналарни лойиҳалаш имконини яратади. Бунда трибуналар остидаги хоналар нормал ўлчамларга эга бўлиб, хоналардаги одамлар эвакуациясини қулайлаштиради, бир қаватли трибуналар остидаги хоналарнинг нишаб шипларини тўғирлаш учун кетадиган материаллар иқтисод қилинади.

кулайлаштиради, бир қаватли трибуналар остидаги хоналарнинг нишаб шиналарини тўғрилаш учун кетадиган материаллар иқтисод қилинади.


### Спорт ареналаридаги минбарлар турлари




Трибуналар остидаги кенгликдан фойдаланиладиган аралаш конструкцияли бир ярусли минбар




Минбар ости кенгликлари ишлатиладиган икки ярусли трибуна




Минбар ости кенлигидан фойдаланиб булмайдиган аралаш конструкцияли икки ярусли минбар (Неаполдаги стадион)



Минбар ости кенгликларидан фойдаланиладиган икки ярусли темир бетон трибуна (АҚШ, Дайкадаги стадион)



30 метрдан иборат соябонли икки ярусли аралаш конструкцияли минбар (Рио-де-жанеродаги стадион)



Босирмали икки ярусли металл трибуна (Кливленддаги стадион)

**13-расм. Бир ва икки ярусли трибуналарнинг кўриниши**



Икки қаватли трибуналар арена тарафидан қаралганда, қаватлар орасидаги қуюқ соялик туфайли бой пластик кўринишига эга бўлади. Спорт аренасининг ғарбий томонида жойлашган тўғри бир томонли трибуна оптимал кўриниш шароитида режада турли шаклда бўлиши мумкин. У асосан 18-20 минг ўринли стадионларда кенг қўлланилмоқда. Кўп сонли томошабинларни жойлаштириш мақсадида тўғри трапеция ёки эгри чизиқли шаклдаги трибуналар қўлланилмоқда. Бундай трибуналар 35-40 минг ва ўндан кўп ўрин сифимига эга.

Кўп ҳолларда уч томонли тўғри бурчакли, тақасимон ёки эгри чизиқли (овал шаклига яқинлашувчи) спорт аренасининг ён томонидан бўлинган трибуналар кенг тарқалмоқда.

Дюссельдорф (Германия), Ванкувер (Канада), Пасандене (Роуз-Боуль, Калифорния) шаҳарларидаги стадионлар бунга мисол бўла олади.

Уч томонли трибуналарнинг яна бир турида спорт аренасининг ғарбий томонида кўп сонли томошабинлар жойлаштирилган бўлиб, асосан куннинг иккинчи ярмида бўлиб ўтадиган мусобақалар вақтида спорт аренаси кўринишига ижобий таъсир этади.

Бундай турдаги трибуналарга Измайловкадаги (Москва), Мессиндаги ҳамда Минск ва бошқа шаҳарларидаги стадионлар мисол бўла олади.

Замонавий 100 минг ва ундан кўп ўринли стадионларда икки-уч қаватли, ёпиқ кўринишли трибуналар қўлланилмоқда. Бундай турдаги трибуналарнинг режадаги шакллари турлича: тўғри, ён томонлари қавариқ, овал, доиравий ва бошқалар.

## 5. XX асрнинг универсал иншоотлари.

Универсал спорт иншоотлари спортнинг тараққий этиши натижасида ва йил давомида спорт турлари (гимнастика, енгил ва оғир атлетика, бокс, спорт ўйинлари, велопойгалар, хоккей, конькида фигурали учиш ва бошқалар) бўйича ўқув-машқларини ва намойиш ишларини олиб борилиши талаблари асосида пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Универсал спорт заллари ўзгарувчан спорт аренасига, 10-15 минг томошабинга мўлжалланган трибунага, шунингдек, машғулот заллари ва қуйидагича

тартибдаги томошабин ва спортчиларга хизмат кўрсатувчи хоналарга эга: кириш (томошабинлар учун) хоналари калуарлар, буфет, киоск ва томошабинлар учун хожатхоналар; спортчилар учун хоналар-вестибюль гардероби билан, кийим алмаштириш, душ ва хожатхоналари, кўрсатмалар бериш хоналари, массаж, тиббиёт қисми, ҳакамлар, дам олиш хоналари, буфетлар, услубиёт хоналари ва бошқалар; маъмурий-хўжалик-рахбарият, хўжалик бўлими, кассалар, муҳофаза хонаси, ўқув бўлими, почта ва бошқалар; ёрдамчи кўшимча хоналар-совитиш мосламалари учун, иситиш, шамоллатиш, трансформатор подстанцияси, устахоналар ва бошқалар; Бу бинонинг архитектуравий-режавий ва фазовий композицияси асосида ҳажмий ўлчамлари содда ва ташқи кўринишдан аниқ ифодаланган тўғри тўртбурчак шаклдаги иншоот ётади.

Бинодан ўлчамлари 30x61 м бўлган спорт аренаси 15000 ўринли трибуна, ўқув-машғулот спорт зали ва спортчиларга ҳамда томошабинларга хизмат кўрсатувчи хоналар.


Спорт аренадан турли мақсадларда фойдаланилади. Унда хоккей ўйинлари, гимнастика ва бокс бўйича мусобақалар, ўқув машғулотлар ёки суъний муз устида фигурали учуш намойишлари ўтказилади. Бокс мусобақаларида томошабинлар учун йиғма ўриндиқлар ўрнатилиши билан томошабин сифими 17500 кишига етади.

Зал спортчилар ва томошабинлар учун барча турдаги замонавий жиҳозлар билан таъминланади. Трибуналарнинг тўлиши ва эвакуацияси биринчи қаватда зални ўраб турувчи вестибюль, иккинчи қаватда кулуарлар ёрдамида амалга оширилади. Трибуналарда суянчиқли, ёндорсиз ўриндиқлар ўрнатилган. Ўриндиқнинг бир томошабин учун эни 40 см кўндаланг ўтиш йўлаклари орасидаги ўринлар сони 35-50 гача томошагоҳ қаторлари чуқурлиги 75 см. Йўлаклар орасидаги секцияларда 800 дан 1150 гача томошабин жойлашади. Эни 1,5 м бўлган эвакуация люкларига (ҳар 650 кишига) эвакуация ўтиш йўлагининг 1 погон метри тўғри келади. Залнинг баландлиги 18 метр, қурилиш кубатураси 248000 м<sup>3</sup>. Бино конструкцияси каркас, 6x6 м конструктив сеткали, йиғма темир-бетондан ташкил топган. Залнинг ёпма оралиғи 78 м бўлиб, металл фермалар асосида бажарилган.

Мадриддаги спорт ўйинлари залининг шакли тўғри тўртбурчакли, асосий кириш фасаднинг олд қисмида жойлашган.

Аввалги схемалардан фарқли ўлароқ залнинг асосий қисми бу ерда олдинга тартиб чиққан ва кўшимча хоналар ясойлашган икки қисм билан бирикади. Томошабинлар уч қаватли театр кўринишида трибуналарда жойлашадилар. Зал ёпмасининг ўзига хослигини айтиб ўтиш жоиз, бунда ойнабанд икки қўшма қобик кўринишидаги ёйма бўйлама йўналиши бўйича ўзаро боғланган.

Қуйида бир нечта универсал спорт залларини кўриниши берилган (17-25-расмлар).




19-рasm. Москвадаги «Локомотив» футбол стадиони.




20-рasm. Москвадаги 1972 йилда курилган Олимпия стадиони.







21-расм. Токиодаги 1964 йилда қурилган Олимпия спорт комплексининг кўриниши.




22-расм. Қайта таъмирланган Уэмбли стадиони



23-расм. Венадаги айлана шаклдаги спорт зали, конструкцияси гумбазсимон армацементдан ишланган.



24-расм. Мацуядаги (Япония) айлана шаклдаги спорт зал.



25-расм. Венадаги кагта спорт зал лойиҳаси

Республикамиздаги спорт сув ҳавзаларини лойиҳалаш ва қуриш амалиётида ўқув-машғулоти ва мусобақалар ўтказишга мўлжалланган сув ҳавзалари кенг тарқалган. Бу турдаги биноларнинг қуриш қисми қисқа ён томонда жойлашган. Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги талабалар шаҳарчасидаги “Сув спорт саройи” 2007 йилда ишга туширилди (26-расм).



26-расм. “Талабалар шаҳарчасидаги” Сув спорти саройи

Қуриш қисмининг бундай лойиҳаланиши залнинг бўйлама узунлиги бўйича хизмат кўрсатувчи хоналарни рационал жойлаштириш имконини бериб, аёллар ва эркекларнинг икки алоҳида йўналишда ҳаракатланишига эришилади. Бу композицион усул албатта шаҳар қурилиши талабларига ва қўшимча хоналарни жойлаштириш шартларига боғлиқ ҳолда фронтал ёки бошқа қурилмаларни инкор этмайди.

Қурилиш харажатларини камайтириш мақсадида спорт сув ҳавзаларини алоҳида биноларда ёки бошқа бинолар (ҳаммомлар, олий таълим муассасалари, мактаблар ва бошқалар) ичкарасида жойлаштириш мумкин.

Катта универсал 50x20 м ҳовуз, сакраш қурилмаси ва трамплини ҳамда 1000 ўринли трибунаси бўлган сув ҳавзасининг иқтисодий кўрсаткичлари қуйидагича; қайта қуриш майдони тахминан - 3000 м<sup>2</sup>, бино ҳажми - 40000м<sup>3</sup> атрофида, кичик сув ҳавзасининг ҳовузи билан қурилиш майдони - 25x12 м ва тахминан 1000 м<sup>2</sup> бино ҳажми эса 15000 м<sup>3</sup> атрофида.

Сув ҳавзаси залининг ёпмасида асосан турли йиғма балка ёки аркали темир-конструкциялар қўлланилади; шунингдек, пластик темир-бетон қопламалар ва эгри чизикли, юпка йиғма армоцемент конструкцияларидан ҳам фойдаланилади. Замонавий шароитларда сунъий материаллар конструкциялардан фойдаланиш имкониятларини инобатга олиш тавсия этилади.

Сув ҳавзасининг залида жойлашган сузиш, сув ўйинлари учун мўлжалланган ҳовуз ва томошабинлар учун трибуналар бино асосий композициясининг ядроси ҳисобланади. Зални лойиҳалашда сув спорти қоидаларига асосан турли технологик талаблар қўйилади.

Ҳовуз турли мосламалар билан жиҳозланади: старт тумбалари, трамплинлар, турли баландликлардан сакраш қурилмалари, сувга тушиш

зинапоялари сузиш йўлкасини кўрсатувчи чўкмайдиган чегара мосламалари, турли белгилар ва бошқалар. Спорт сув ҳавзалари мақсадли белгиланишига қараб ҳовузлар бир неча турларга бўлинади: ўзининг ўлчамлари билан ажралиб турувчи, ҳовузнинг жиҳозланиши ва мосланиш соҳасига кўра, ҳамда унинг конструктив хусусиятлари асосида.

5-жадвал

**Сув ҳавзалари ўлчамлари**

Ховузларнинг ички ўлчамлари	Сув ҳавзаси турлари		Сузиш йўлкалари ва сони	Чуқурлик, м.	
	Ўқув-машқ	Спорт машқ		Саёз жойда	Баланддан сакраш мосламаси остидаги чуқурлик
20x10	Ўқув	-	4	1,1	1,8
25x10	Кичик	-	4	1,1	3,5-4,5
25x12,5		-	5	1,1	3,5-4,5
25x15		-	6	1,1	3,5-4,5
50x10	Катта	Катта	4	1,1	3,5
50x12,5			5	1,1	4,5 - 3,5
50x15			6	1,1	4,5 - 3,5
50x20			8	1,8 - 2	5-4,5

#### 6. Спорт майдонларининг технологик чизмалари.


Спорт майдонларининг технологик чизмасида спорт турларига мўлжалланган майдонларини кўриниши ва ўлчамлари, бундан ташқари ўйин майдонларини қопламаларининг тузилиши ва қандай бўлиши кераклиги ифодаланади. Майдонларнинг тузилишини ва ўлчамларини аниқлаш мақсадида спорт майдонлари чизмалари берилган. Спорт майдонлари, асосан, тўғри тўртбурчак, очик ёки ёпиқ кўринишида бўлади. Ўқув машқларининг жараёни ва ҳар хил спорт турлари бўйичамусобақалар ўтказишга мўлжалланиб қурилган ҳамда жиҳозланган спорт иншоотлари билан танишиб чиқамиз.

#### Баскетбол майдони.

Баскетбол майдони махсус ер участкасида режалаштирилиб, тўғри тўртбурчак шаклида, алоҳида қоплама ётқизилган (ёғочли ёки синтетик, резина битум ва тупроққа), махсус белгили ва мос равишда жиҳозланган бўлади. Ўйин майдони 28x15 м бўлиб, ички чизиқлардан ўлчанади ва узунасига тортилган ён чизиқ дейилади. Бошқа зоналар эса контитентал ва миллий мусобақаларда қуйидагича: 4 м ён чизиқ ва 2 м юз чизиқ қисқароқ бўлиши ҳам мумкин. Янги қурилган ўйин майдонлари 28x15 м бўлиши шарт. Агар ёпиқ ҳолдаги майдон бўлса, полдан шипгача бўлган баландлиги 7 метрдан кам бўлмаслиги керак. Ўйин майдони текс ва яхши ёритилган ва ёриткичлар ўйинчиларга ҳалақит бермаслиги керак. Ўйинчиларга яхши кўриниши учун майдонни чегараловчи чизиқлар қалинлиги 5 см бўлиши ҳамда майдон бир текисликда ётиши лозим. Майдонни чегараловчи чизиқ ташқарисида ундан 2 м узоқликда яна бир чизиқ тортилиб, бу оралик хавфсизлик зонаси дейилади.


Майдон ўртасидан марказий чизиқ ва айлана тортилган бўлиб, айлана радиуси 180 см га тенг. Айлана ўлчами ташқи чизигича ўлчанади.

Марказий чизик ва юза чизикқа параллел ҳолда тортилиб, ён чизикни кесиб, 0,15 м ташқарига давом эттирилган бўлади.




### Баскетбол устуни ва шити

Ҳалқа баландлиги 3050 мм, темирдан тайёрланган: хом-ашё темир устун ранги очик, ёрқин ранглар, устун баландлиги - 3900-4100 мм Баскетбол устунлари ГОСТ 62-91-86 ва барча техника хавфсизлик талабларига жавоб бериши керак.



Майдон ўлчамлари. Майдон тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб ўйин майдони узунлиги 18 метр, эни 9 метр бўлиши керак. Майдон ташқарисида биринчи чизикдан 3 метр узокликда яна бир чизик тортилиб, бу оралик хавфсизлик зонаси дейилади. Шунинг ҳисобига қурилиш ўлчами 24x15 метр бўлади. Хавфсизлик зонаси очикда жойлашган майдонда 3 метр, ёпикдаги эса 2 метр бўлади. Соддалаштирилган қоидага мувофиқ 15x7,5 метрни ташкил этади.

Майдонни чегараловчи чизиклар майдон билан бир текисликда бўлиб, чизиклар эни 5 см бўлади. Узунасига тортилган чизик-ён чизик энига, яъни кўндалангига тортилган чизик, юз ёки эн чизик деб аталади. Майдон ўртасида иккита ён чизикқа туташган ўрта чизик ўтади.



30-расм. Волейбол ўйин майдони . Т-мураббий, БХ-бош хакам, хакам чизиги, тўпни узатиш

У майдонни иккига бўлиб туради. Хар бир майдончада ўрта чизикдан 3 метр узоқликда ўрта чизикқа параллел яна бир чизик ўтиб, бу оралик-ҳужум зонаси деб аталади. Ҳужум зонаси чизигидан орқа юз. чизикқача 6 метр оралик ҳимоя зонаси деб аталади.

Волейбол майдони қуйидаги жиҳозлар билан таъминланади.

Тўр. Ўрта чизик устида майдонга кўндаланг тортилади, узунлиги 9,5 метр, эни 1 метр катакчаларининг ўлчами 10x10 см бўлади. Баландлиги ўйинчиларнинг жинси ва ёшига қараб, яъни: Эркак гуруҳи учун 2,43 см; аёллар гуруҳи учун 2,24 см бўлади. Тўр каноп ёки ипак ипидан тўқилган ва йўғонлиги 5 мм бўлади.

Тўп. Тўп юмалоқ бўлиб, айланаси 66±1 см, оғирлиги 270±10 г, чармдан ясалган.

### 3.1. Мавзу бўйича талабалар саволларига жавоб бериш. Саволлар бўлса марҳамат!

### 3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа:

8- илова.

Умумий классификациясига мувофиқ спорт иншоотлари таркибини аниқланг.		
Ёрдамчи хона ва иншоотлар;	Асосий иншоот	Томошабин учун жойлар;

Спорт иншоотлари туркумларини ёзиб келинг			
Очиқ	Алоҳида	Мажмуали	Ёпиқ
	Ёпиқ	Очиқ	

Такрорлаш учун саволлар ва топшириқлар:

1. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида айтиб беринг.
2. Спортни оммолаштириш ва ривожлантириш мақсадида чиқарилган қонун ва қарорлар ҳақида айтиб беринг.
3. Қадимги дунё, ўрта аср ва янги давр спорт иншоотларининг қурилиши жиҳатларидан бир-биридан фарқларини айтинг.
4. Тошкентда жойлашган спорт комплексларидан қайси бирида бўлгансиз ва улар тўғрисида айтиб беринг.

9-илова

Мустақил ишлаш учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тайёрланган «Спорт иншоотлари» номли ўқув қўланмани 27-74 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келиш ва «Спорт иншоотлари» чизмаларини чизиш



## 11. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: та
Машғулот шакли	Мавзу бўйича ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Шаҳар жойларида спорт иншоотлари тармоқлари ва режалаштириш. 2. Қишлоқ шароитларида спорт иншоотлари тармоқлари ва режалаштириш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларга шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотларини тармоқлари ва уларни режалаштириш бўйича билимга эга қилиш.	
Педагогик вазифалар: -шаҳар жойларидаги спорт иншоотлари тармоқларини ва уларни режалаштириш бўйича билим бериш. -қишлоқ шароитларида спорт иншоотлари тармоқларини ва уларни режалаштириш бўйича билим бериш.	Ўқув фаолияти натижалари: -шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотларини тармоқлари ва уларни режалаштириш асосларини билишлари керак.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, маъруза, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, макет, спорт иншоотлари.
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория, спорт иншоотлари макетлари, қурилиш объектлари.
Мониторинг ва баҳолаш	Ёзма иш: саволларга жавоб ёзиш.

## 1.2. Маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи. (10 дақиқа)	<p>1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш.</p> <p>2. Маърузаси учун тақдимот слайдларини тайёрлаш.</p> <p>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва талабаларга эълон қилиш.</p> <p>4. Ўқув материални ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.</p>	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	<p>1.1. Мавзу ва унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.</p> <p>1.2. Ўрганиладиган мавзу номи айтилиб экранга мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлари кўрсатиб уларга қисқача таърифлаб изоҳлар беради (1-илова).</p> <p>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (2-илова).</p> <p>1.4. Талабалар фаоллаштириш жонлантириш мақсадида қисқача савол-жавоб ўтказилади (3-илова).</p>	<p>Тинглайдилар.</p> <p>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Саволлар билан мурожат қиладилар.</p>
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	<p>2.1. Power Поинт дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради.</p> <p>2.2. Мамлакатимизда қурилган ва қурилаётган спорт иншоотларини слайдлар ёрдамида кўрсатиб изоҳлайди (4-илова).</p>	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади.</p> <p>3.2. Инноватцион услуб: “Кластер” ва “БББ” ни қўллаш ( 6 дақиқа вақт ичида)</p> <p>3.3. Мустақил ишлаш учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида тайёрланган «Спорт иншоотлари» номли ўқув қўланмани 76-92 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келишларини тавсия этади (5-илова).</p>	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

### 3-МАВЗУ: 1-МАШҒУЛОТ. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРДА СПОРТ ИНШООТЛАРИ ТАРМОҚЛАРИ ВА УЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ.

- ✦ *Маъруза машғулотининг мақсади:* Талабаларга шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотларини тармоқлари ва уларни режалаштириш бўйича билимга эга қилиш.
- ✦ Шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотлари тармоқлари ва уларни режалаштириш тўғрисида маълумотлар бериш.
- ✦ *Ўқув фаолияти натижалари:* Шаҳар ва қишлоқларда спорт иншоотларини тармоқлари ва уларни режалаштириш асосларини билишлари керак.
- ✦ Мамлакатимизда қурилган ва қурилаётган спорт иншоотлари ҳақида маълумотлар билишлари ;

Мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлар

- ✦ Шаҳар жойларида спорт иншоотлари тармоқлари ва уларни режалаштириш
- ✦ Қишлоқ шароитларида спорт иншоотлари тармоқлари ва уларни режалаштириш .

ҲАР БИР МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН 2 ДАН 5 БАҲОГАЧА  
ҚЎЙИЛАДИГАН НАТИЖАЛАР:

- × 5 баҳо - «аъло»
- × 4 баҳо - «яхши»
- × 3 баҳо - «кониқарли»
- × 2 баҳо - «қониқарсиз»

ЎҚУВ КУРСИНИ ЎРГАНИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР  
РЎЙХАТИ:

1. Спорт иншоотлари (ўқув қўлланма) 2007 й.
2. Ҳарбий спорт ва спорт иншоотлари 2000 й.
3. Спорт қурилмалари. 2000 й.

Жонлантириш учун саволлар:

1. Мамлакатимизда спортни ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида айтиб беринг.
2. Спортни оммалаштириш ва ривожлантириш мақсадида чиқарилган қонун ва қарорлар ҳақида гапиринг.
3. Шаҳар жойларидаги спорт иншоотлари тўғрисида гапиринг.
4. Қишлоқ шароитларидаги спорт иншоотларини қурилиш асослари нималардан иборат?

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШОТЛАРИНИ ҚУРИШ

Ҳозирги замонда аҳолига хизмат кўрсатиш жараёнида спорт иншоотлари зарурий аҳамият касб этади. Шунинг назарга олган ҳолда шаҳарда ва қишлоқларда режалаштиридаётган спорт иншоотлари техник талабларга ҳамда лойиҳа талабларига жавоб бериши лозим.

Шаҳар ва қишлоқларда қандай спорт иншоотлари режалаштириш ва қуриш керак деган саволга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Шаҳар кўп аҳоли жойлашган ва махсус қарор билан шаҳар статуси берилган жой бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари, завод, фабрикалар фаолият кўрсатади ҳамда қишлоқ хўжалиги учун меҳнат қуролларини ишлаб чиқаради.

### ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШОТЛАРИНИ ҚУРИШ

Алоҳида жойлашган турар жойлар ва унинг аҳолиси 1,5-3 минг бўлса, бу ҳолда унинг ҳудудида комплекс жисмоний тарбия майдонлари, яъни гимнастика, енгил атлетика билан шуғулланиш учун, волейбол, баскетбол, футбол майдонлари қурилиши лозим ва унинг умумий майдони 1200 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак. Бундан ташқари иккита теннис столи учун майдонча ажратилади.

Микрорайонда - алоҳида жойлашган турар жойлар учун ажратиладиган спорт иншоотлари қурилади ва алоҳида ажратилган ердан ташқари бу спорт майдонларини дам олиш хиёбонларда жойлаштириш мумкин.

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ҚУРИШ

Агар микрорайонда аҳолининг сони 6 минг одамдан Кўп бўлса унда комплекс майдончалар қуйидагилардан иборат, яъни гимнастика билан шуғулланиш учун майдонча, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари ва унинг умумий майдони 6700 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаслиги керак. Агар микрорайоннинг аҳолиси 12 минг ва ундан ортиқ бўлса унда умумий майдон 8400 м<sup>2</sup> гача кенгайтирилади.

Аҳоли зич яшайдиган районларда (24-36 минг аҳоли) спорт маркази қурилиши режалаштирилади ва у спорт марказларининг иккинчи гоифасига киради.

Уларга футбол майдони (96x64 метр) ва машқлар учун иккинчи майдон (66x44 метр), иккита теннис майдони (36x18 метр ҳар бири), очиқ бассейн (25x10 метр), тир 50 метр ва томошабинлар учун бир минг ўриндик бўлиши керак.

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ҚУРИШ

Умумшаҳар спорт мажмуалари олий даражали спорт иншоотларига киради. Шаҳар худудида спорт иншоот тармоқларини қуришдан олдин ажратилган ер участкаларини ўрганиб чиқилади ва улар қуйидагича:

-7 ёшгача болалар учун спорт мажмуа узоқлиги 50-100 метр бўлиши керак;

-7-10 ёшгача 150-200 метр;

-11-17 ёшгача 400-500 метр.

Райондаги спорт маркази 20 минутли масофада жойлашган бўлиши керак. Стадион бош режасини лойиҳалашда кўп минглик томошабинларни эвакуация

вақтида турли оқимларни- кесиб ўтмайдиган ҳолда шаҳар қурилишини ва йўлларини ҳисобга олиш зарур бўлади.

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШОТЛАРИНИ ҚУРИШ

Транспорт йўлларининг жойланиши, турли шаҳар ва шахсий транспорт воситаларининг тўхташ жойларида одамлар оқимининг тарқалиш принципи билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабали бунда асосий кириш ва ички магистраллар жойланиши белгиланади. Кириш жойларида касса хоналари мўлжалланади. Кассалар чиптали томошабинлар оқимидан ташқарида жойлашади.

Бош режада стадион уч асосий қисмга бўлинади: намойиш (томошагоҳ), ўқув-машғулоти, хизмат кўрсатиш қисмлари.

Намойиш қисмида асосий спорт аренаси ва трибуналар, томошабинларга хизмат кўрсатиш, спортчилар, ҳакамлар бошқаруви, матбуот, радио ва телевидение хоналари жойлашади.

Унда, шунингдек очик ва қишки сузиш сув ҳавзалари, велотрек, тўп ўйинлари ва теннис стадионлари жойлашган.

Бу қисм тарқатувчи майдон ва эвакуация йўллари билан бевосита боғланган.

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШОТЛАРИНИ ҚУРИШ

Ўқув-машғулот қисмида спорт майдони ва майдончалари жойлашган бўлиб, уларнинг баъзилари намойиш характериға эға. Бу қисмдаги спорт иншоотлари спортнинг алоҳида турлари бўйича ихтисослашган. Хизмат кўрсатиш қисмида томошабинларнинг дам олиш масканлари, кафе, киосклар, суҳбат ўриндиклари, санитария иншоотлари, стадионни эксплуатация қилиш билан боғлиқ иншоотлар.

- хўжалик ҳовлиси, устахоналар, оракжериялар омборлар ва бошқалар жойлашган.

Стадион қурилишида қуйидаги талаблар муҳим аҳамиятға эға:  
-шаҳар қурилиш ҳолати - шаҳар магистралларининг йўналиши, стадион рўпарасида майдон мавжудлиги, томошабинларнинг эвакуация йўллари, турли шаҳар транспортлари учун транспорт тутунлари ва бошқалар, кўкаламзорлашган худудларға ва сув ҳавзаларига стадионнинг имкон қадар яқинлиги, асосий спорт аренасининг трибуна ва бошқа спорт иншоотлари билан ўзаро пропорционал ва компакт, шунингдек энг маъқул йўналишда (шимол - жануб) жойлашиши;

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ҚУРИШ

- майдон рельефининг яроқлилиги (спорт аренасининг ғарбий тарафидан ерда трибуналарни жойлаш учун 30% нишаблик мақсадга мувофиқ); асосий йўналишда доимий эсувчи шамоллар йўналиши (химоялаш чоралари); ер ишлари балансини ҳисобга олган ҳолда стадион ҳудудини кўкаламзорлаштири ва ободонлаштириш; қишки мавсумдаги стадионнинг характери (конькида тез чопиш, фигурали учиш, хоккей, чанғи трамплин учун мосламаларни ўрнатиш эҳтимоли).

Амалдаги стадионларни лойиҳалаш меъёрларида (СН 162-58) куйидаги тавсиялар берилган:

- томошабинларни эвакуация қилишда (стадион ташқарисида) тарқатувчи майдоннинг зарурий ўлчамлари ҳар бир томошабинга 0,5-0,75 м<sup>2</sup> ҳисобидан аниқланади;

## ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚДА СПОРТ ИНШООТЛАРИНИ ҚУРИШ

- стадионга энг камида икки кириш жойи белгиланиши зарур; эвакуация йўлларининг (йўлакча, йўл, ўтиш ва кириш жойи) эни бир метрга 500 киши ҳисобидан аниқланади;

- бевосита трибуналар оралиғида тарқатувчи майдонлар назарда тутилган бўлиб, бунда, бир томошабин ўрни учун ўртача катталиқдаги стадионларда 0,5 м<sup>2</sup>, катта стадионларда 0,3 м<sup>2</sup>;

- кириш кассаларининг сони 1500 кишига 1 дарча ҳисобидан белгиланади.

Жойнинг ҳолатига қараб, стадионнинг бош режаси шаклан турлича кўринишда бўлиши мумкин.

Ҳар бир шаҳар, район, микрорайон ва алоҳида жойлашган турар жойларда спорт иншоотларига Москва, Волгоград, Санкт-Петербург шаҳарларидаги стадионларнинг бош режалари мисол бўла олади.

Москвадаги Лужанский номли стадион бир-бирига перпендикуляр ўқлари асосида қурилган.



## «Чархпалак» - интерфаол машк

Шаҳар ва қишлоқда спорт иншоотларини қуришда шуғулланувчининг ёшига қараб спорт мажмуасигача бўлган масофа меъёрига тавсиф беринг.

№	Алоҳида жойлашган турар жойлар ва микрорайонларнинг қисқача тавсифи.	7 ёшгача болалар учун спорт мажмуасини масофа меъёри.	7 – 10 ёшгача болалар учун спорт мажмуасини масофа меъёри.	11-17 ёшгача болалар учун спорт мажмуасини масофа меъёри.
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				

## ФСМУ - интерфаол машк

Ф - фикрингизни баён этинг: ...

С - фикрингиз баёнига бирорта сабаб кўрсатинг: ...

М - кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг: ...

У - фикрингизни умумлаштиринг: ...

## Инноватцион услуб: “БББ”



БИЛАМАН

БИЛИШНИ  
ХОҲЛАЙМАН

БИЛДИМ

## 11. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: та
Машғулот шакли	Мавзу бўйича ахборотли маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектларнинг рўйхати ва қўлланилиши.</li> <li>2. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талаблар.</li> <li>3. Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги.</li> </ol>
<p>Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларни спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектлари билан таништириш. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талаблар билан таништириш.</p> <p>Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги каби иншоотларни вазифаси, ўлчамлари ва қурилиш асослари билан таништириш.</p>	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <p>Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектлари билан яқиндан таништиради. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талабларни изоҳлаб тушунтиради.</p> <p>Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги каби иншоотларни вазифасини ва қурилиш асослари билан таништиради.</p>	<p>Ўқув фаолияти натижалари:</p> <p>Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектлари номларини ва уларнинг рўйхатини билишлари керак.</p> <p>Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талабларни англашлари ва изоҳлай олишлари шарт.</p> <p>Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги каби иншоотларни қурилиш асосларини билишлари керак.</p>
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, маъруза, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, макет, спорт иншоотлари.
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория, спорт иншоотлари макетлари, қурилиш объектлари.
Мониторинг ва баҳолаш	Ёзма иш: саволларга жавоб ёзиш.

1.2. Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари ва спорт иншоотлари  
 машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи. (10 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва талабаларга эълон қилиш. 4. Ўқув материални ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	Тинглайдилар  Ўзиб оладилар.
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзу ва унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради (1-илова). 1.2. Экранга мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлари кўрсатиб уларга қисқача таърифлаб изоҳлар беради (2-илова). 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова). 1.4. Талабалар фаоллаштириш жонлантириш мақсадида қисқача савол-жавоб ўтказилади (4-илова).	Тинглайдилар  Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Саволлар билан мувожабат қиладилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Поинт дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 1. Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектларнинг рўйхати ва қўлланилиши. 2. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талаблар. 3. Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги (5-илова).	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Инноватсион услуб: «Чархпалак» - интерфаол машқ. «ФСМУ - интерфаол машқ “БББ”ни, Нима? органайзерини қўллаш.(7 дақиқа вақт ичида) (6-илова). 3.3. Мустақил ишлаш учун Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетиде тайёрланган «Спорт иншоотлари» номли ўқув қўланмани 76-92 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келишларини тавсия этилади (7-илова).	Саволлар берадилар. Вазифани ўзиб оладилар.

#### 4-МАВЗУ: 1-МАШҒУЛОТ. СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ

*Маъруза* *машғулотининг*  
*мақсади:* Талабаларни спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектлари билан таништириш. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талаблар билан таништириш.

Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги каби иншоотларни вазифаси, ўлчамлари ва қурилиш асослари билан таништириш.

#### **Ўқув фаолияти натижалари:**

Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектлари номларини ва уларнинг рўйхатини билишлари керак.

Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талабларни англашлари ва изоҳлай олишлари шарт.

Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги каби иншоотларни қурилиш асосларини билишлари керак.

### Мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлар

1. Спорт соғломлаштириш оромгоҳлари иншоотлар ва объектларнинг рўйхати ва қўлланилиши.

2. Спорт иншоотларининг қурилишига ва жойлашишига қўйиладиган асосий талаблар.

3. Саф майдони, енгил атлетика машғулотлари учун спорт секторлари, футбол майдони, гимнастик шаҳарча, ягона тўсиқлар йўлаги.

**ХАР БИР МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН 0,5 ДАН 2 БАЛЛГАЧА ҚЎЙИЛАДИ. РЕЙТИНГ БЎЙИЧА НАТИЖАЛАР БАҲОСИ:**

- ✘ «аъло»
- ✘ «яхши»
- ✘ «кониқарли»
- ✘ «кониқарсиз»

#### САВОЛЛАР

1. Айтингчи Спорт соғломлаштириш оромгоҳларида спорт иншоотларининг қандай турлари мавжуд бўлади?

2. Спорт соғломлаштириш оромгоҳларидаги спорт иншоотларига таълим муассасаларидагидан фарқли бўлган қандай спорт иншоотлари мавжуд бўлади?

3. Бевосита ўзингиз бўлган ва спорт мусобақалари тадбирлари ўтказилган соғломлаштириш оромгоҳлари ва ундаги спорт иншоотлари ҳақида гапириб беринг.

## СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ.

ССО СИ объектлари ва қурилмаларининг рўйхати ва вазифаси.  
ССО СИ нинг ўқув материал базасининг таркибига қуйидаги объектлар киради;

- махсус ўқув қуролларини сақлаш учун хона,
- бир вақтнинг ўзида 2 та гуруҳ билан машғулот ўтказиш имконини берадиган тактик майдон,
- «Маънавият ва маърифат» хонаси,
- 200 метрли тир (отиш майдони),
- саф майдони,
- енгил атлетика машғулотлари учун спорт ядроси,
- футбол майдони,
- гимнастика шах арчаси,
- ягона тўсиқ йўлаги.
- волейбол, баскетбол, қўл тўпи, стол тенниси учун майдонлар,
- очик бассейн ёки «ОСВОД» типдаги йиғилувчи бассейн.

### СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМГОҲЛАРИ ВА СПОРТ ИНШООТЛАРИ.

- ✳ ССО СИ нинг жиҳозлар, инвентарь, ўқув қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминланиши халқ депутатлари кенгашининг ижрочи қўмиталари томонидан амалга оширилади.

## СПОРТ ЯДРОСИ

- ✘ - спорт ядросида томошабинлар учун махсус жой бўлиши, ва сакраш ва секторда улоқтириш учун жойлар ассиметрик бўлиши керак.
- ✘ - янги планировка бўйича баландликка сакраш учун майдон фақат шимолий секторда жойлашади, улоқтириш учун майдон эса - жанубий секторда жойлашуви керак.
- ✘ - сакраш ва улоқтириш учун барча жой футбол майдони дарвозаси линиясидан 3 м масофада бўлиши керак.
- ✘ - югуриш йўлакчасини футбол майдонини ўзи ўқсиз халқа сифатида ўраб туради,
- ✘ - умумий финиш чизиғи майдон дарвозаси линиясининг қаршисида ундан 9,72м (марказга қараб) масофада жойлашади,

## СПОРТ МАЙДОНЛАРИ МЕРИДИОНАЛ ИМКОНияТЛАР Бўйича муАЖАЛ ОЛИНАДИ.

- ✘ - Яхши сув тортувчи тупроқли,
- ✘ - Ўрнатилган дренаж системали,
- ✘ - Сувларнинг оқиб кетиш тизимини таъминлаш.
- ✘ - Иложи борича майдон текис бўлиши керак.

❖ Гимнастика ва акробатика майдонларини жойлаштириш ва жихозлашда машғулот ўтказиш услуги ва программаси, гуруҳнинг квалификация (мазкур майдонда шуғулланувчилар) даражаси ни инобатга олиш керак,

❖ Гимнастик майдончалар асфальтланган махсус аралашма билан қопланган ёки майса ўт (газон) ўстирилган бўлиши мумкин.

❖ Очик майдонларда снарядлар ўрнатиш учун мўлжалланган жойлар мустақам пойдеворга эга бўлиши керак (бетонли, анкерли, ва б.к.)

№	НОМЛАРИ	МИҚДОРИ	ЎЛЧОВ БИРЛИГИ
1	Гимнастика бруси	2	комплект
2	Брус учун хода	2	жуфт
3	Гимнастик турниклар	2	дона
4	Гимнастик эшаклар	2	дона
5	Гимнастик халкалар	2	дона
6	Осибиб чиқиш арконлар	2	комплект
7	Чиқиш учун арконлар	2	комплект
8	Қўл гранаталар	30	дона
9	Гимнастик тўшаклар	8	дона
10	Баскетбол халкалари	2	комплект
11	Баскетбол халкалари тўрлар	4	комплект
12	Волейбол сеткалари	2	комплект
13	Футбол сеткалари	2	комплект
14	Сақраш учун гимнастик мостлар	3	комплект
15	Гимнастик деворлар	3	комплект
16	Тренировка штангаси	1	комплект
17	Баскетбол тўплари	4	комплект
18	Волейбол тўплари	10	комплект
19	Футбол тўплари	5	дона
20	Турли гантеллар	10	дона
21	Турли гирлар	10	комплект
22	Судья хуштаклари	4	комплект
23	Турли секундометрлар	5	дона
24	Насослар	2	дона
25	Гимнастик отлар	2	дона



Носозликларни дархол аниқлаб, уларни тузатиш керак (қийшайиш, кераксиз қимирлашлар, гайкаларнинг бўшаб қолиши), Хар 3-4 ҳафтада даврий равишда жизозлар текшириб турилади. Бунда керакли қисмлар керосинда ювилади, бўялади, ишдан чиққан қисмлари алмаштирилади.

Ёзги мавсумдан сўнг барча жихозлар демонтаж қилинади, Снарядлар тўлиқ ечилади. Қисмларга ажратилади, ремонт қилинади. Сўнг бўялиб, сақланади.

Футбол майдорини эксплуатация қилиш;

- футбол майдонида майса ўтларнинг бир текислигини таъминлаш керак,

- футбол майдони суғорилганда ер 10-15 см чуқурликкача хўлланадиган даражада суғорилади. Уйиндан аввал тупроқ куруқ бўлиши керак.

- футбол майдонини суғориш ишлари уйиндан 1-2 кун аввал олиб борилади, суғориш ишларини кечки вақт олиб бориш мақсадга мувофиқдир, чунки (буғланиш кам миқдорда бўлади),

-ўт ўрилгандан сўнг газон суғорилади ва минерал ўғитлар сепилади.

- ёзда хар 3-4 кунда, кузда эса хар 8- 12 кунда ўт ўрилганда қолган ўтнинг баландлиги 6 см дан кам бўлмаслиги керак.

#### **Олиб бориладиган ишлар рўйхати:**

- Тозалаш. Ифлосланишга қарши курашиш.

- Экиш ва суғориш.

- Ўғитлаш.

- Майдонни полиэтилен пленка билан қоплаш.

## Ўқитувчига қўйиладиган талаблар.

- қўлланилишига караб спорт жихозларини ва инвентарларни эксплуатация қилиш;
- аниқланган дефектларни ўз вақтида бартараф қилиш.
- жихозларнинг ҳолатини ўз вақтида назорат қилиш.
- Инвентар ва жихозларни тўғри сақлаш,
- ўз вақтида даврий таъмирлаш ишларини ўтказиш.
- инвентар ва жихозларни назорат қилиш ва ҳисобот бериш.

Мавзу бўйича талабалар саволларига жавоб бериш.

6-илова

«Чархпалак» - интерфаол машқ

Спорт соғломлаштириш оромгоҳларига ва улардаги спорт иншоотларига тавсиф беринг.

№	Алоҳида яшайдиган жойларда жойлашган спорт соғломлаштириш оромгоҳлари	Тоғли худудларда жойлашган спорт соғломлаштириш оромгоҳлари	Алоҳида яшайдиган жойларда жойлашган спорт соғломлаштириш оромгоҳларидаги спорт иншоотлари	Тоғли худудларда жойлашган спорт соғломлаштириш оромгоҳларидаги спорт иншоотлари
1				
2				
3				
4				
5				
6				
7				
8				
9				
10				

ФСМУ - интерфаол машқ

Ф-фикрингизни баён этинг:


С-фикрингиз баёнига бирорта сабаб кўрсатинг:

М-кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг:

У-фикрингизни умумлаштиринг:

Иноватцион услуб: “БББ”

БИЛАМАН	БИЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН	БИЛДИМ



5-Мавзу	Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш, спорт майдонларининг конструкцияси ва қурилиш материаллари.
---------	---

### 11. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: та
Машғулот шакли	Мавзу бўйича ахборотли маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш.</li> <li>2. Спорт майдонлари конструкциялаш.</li> <li>3. Спорт иншоотлари учун ишлатиладиган қурилиш материаллари.</li> </ol>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Талабаларга спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини, спорт майдонларини конструкциялаш асосларини ўргатиш ва спорт иншоотларини қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари билан яқиндан таништириш.</p>	
<p><b>Педагогик вазифалар:</b></p> <p>Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини моҳиятини очиб беради.</p> <p>Спорт майдонларини конструкциялаш асосларини ўргатади ва изоҳлайди.</p> <p>Спорт иншоотларини қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари билан яқиндан таништириштиради.</p>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <p>Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини билишлари ва тадбиқ этишни билишлари керак.</p> <p>Спорт майдонларини конструкциялаш асосларини ўрганишлари ва уларни лойиҳалаштиришни билишлари керак.</p> <p>Спорт иншоотларини қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материалларини яқиндан билишлари ва уларни ишлатиш усулларини билишлари керак.</p>
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, маъруза, тушунтириш.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳли.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, макет, спорт иншоотлари.
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория, спорт иншоотлари макетлари, қурилиш объектлари.
Мониторинг ва баҳолаш	Ёзма иш: Саволларга жавоб ёзиш.

Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш, спорт майдонларининг конструкцияси ва қурилиш материаллари машғулотининг технологик харитаси.

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргар лик босқичи. (10 дақиқа)	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Маъруза учун тақдимот слайдларини тайёрлаш. 3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва талабаларга эълон қилиш. 4. Ўқув материални ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш.	Тинглайдилар. Ёзиб оладилар.
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзу ва унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради (1-илова). 1.2. Экранга мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлари кўрсатиб уларга қисқача таърифлаб изоҳлар беради (2-илова). 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова). 1.4. Талабалар фаоллаштини жонлантириш мақсадида қисқача савол-жавоб ўтказилади (4-илова).	Тинглайдилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар. Саволлар билан мурожат қиладилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш асослари. 2.2. Спорт майдонларини конструкциялаш. 2.3. Спорт иншоотлари учун ишлатиладиган қурилиш материаллари (5-илова).	Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Инноватцион услуб: «Чархпалак» - интерфаол машқ «ФСМУ - интерфаол машқ» БББ» ни, Нима? Органайзери ни қўллаш. Тўсатдан ман этиш технологияси (7 дақиқа вақт ичида) (6-илова). 3.3. Мустақил ишлаш учун «Спорт иншоотлари» номли ўқув қўланмани 76-92 бетларидаги мавзу ўқув материаллари мазмунини ўрганиб келишларини тавсия этилади (7-илова).	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

<b>Маъруза машғулотининг мақсади:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Талабаларга спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини, спорт майдонларини конструкциялаш асосларини ўргатиш ва спорт иншоотларини қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материаллари билан яқиндан таништириш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш усулларини билишлари ва тадбиқ этишни билишлари керак.</li> <li>• Спорт майдонларини конструкциялаш асосларини ўрганишлари ва уларни лойиҳалаштиришни билишлари керак.</li> <li>• Спорт иншоотларини қуриш учун ишлатиладиган қурилиш материалларини яқиндан билишлари ва уларни ишлатиш усулларини билишлари керак.</li> </ul>

## Мавзу бўйича ўрганиладиган ўқув саволлар

- 1. Спорт иншоотларидан фойдаланишни ташкил этиш.
- 2. Спорт майдонларини конструкциялаш.
- 3. Спорт иншоотлари учун ишлатиладиган қурилиш материаллари.

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 3-дан 5 баҳогача қўйилади.

- «аъло»
- «яхши»
- «қониқарли»
- «қониқарсиз»

## СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

✘ Спорт иншоотлари фаолиятини режалаштириш ишлари бир йил муддатга (ёзги, қишки) спорт сезонига мўлжалланиб тузилади. Қаттиқ қиш бўладиган жойларда ёзги сезон апрелдан бошлаб, қишки сезон эса октябр-ноябрдан режалаштирилади. Қаттиқ қиш бўлмайдиган жойларда декабр-январ баҳор сезонига спорт иншоотларини ишларига ўтиш даври деб ҳисобланади. Спорт иншоотларнинг жорий режаси аввал жисмоний тарбия жамоасида, касаба уюшма қўмитасида ва юқори спорт ташкилотларида тасдиқланади. Бундан ташқари, жорий режалаштиришнинг бир бўлими бўлмиш молия режаси керакли мутасадди молия ташкилотларида тасдиқланади.

## СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

Спорт иншоотларининг жорий режалаштириш ишлари иншоотларнинг функционал фаолиятини ўз зиммасига олади.

- ✗ ташкилий ишлар,
- ✗ ўқув спорт ишлари,
- ✗ спорт тадбирлар ўтказиш,
- ✗ молия масалаларни ечиш,
- ✗ жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш,
- ✗ таъмирлаш-қурилиш ишларини олиб бориш,
- ✗ тиббий хизмат кўрсатиш ва техника хавфсизлигини ташкил этиш,
- ✗ моддий техника билан таъминлашлар киради.

## СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

- ✗ Режанинг ҳар бир бўлими спорт иншоотлари фаолиятидаги ривож, тўғри эксплуатация, моддий фаолиятига кўра масалаларни ечиши лозим.
- ✗ Ташкилий ишлар бўлими иншоотларнинг баъзи бир қисмларининг режасини ҳамда йўриқнома ва қонунларни тузишни, иншоотларга қарашли органларни ташкил этишни ўз зиммасига олади.
- ✗ Ўқув-спорт ишлари бўлими спорт турлари, жумладан умумий жисмоний тайёргарлик, сузиш, коньки учиш, чанғи учиш бўйича спорт секциялар ташкил этишни ўзига мужассам этади.



## СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

- ✦ Бу ишлар маълум бир вақтга режалаштирилади, ўқув машғулотлар сеткаси (кун, ҳафта, ўн кунлик ёки ойлик бўйича) бўлади. Маълум бир иншоотларда тахсил кўраётган гуруҳлар соатлар юкмасига қараб спорт иншоотларнинг юклама жадвали деб юритилади. Спорт иншоотлари ҳафталик жадвали энг кўп тарқалган. Спорт иншоотлари комплексида баъзи-бир спорт иншоотлар жадваллари спорт турлари бўйича умумий бир дарс жадвалига келтирилади.

## СПОРТ ИНШООТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

- ✦ Юклама жадваллари ва дарс жадваллари ҳамма кирадиган ва яққол кўринадиган жойларга осилади.
- ✦ «Спорт тадбирлари» бўлимидаги режа ўз зиммасига ҳамма спорт мусобақалар тақвими режасини олади ва мавсум ёки жорий ойга тузилиб, у ҳам кўринадиган жойга осилади.

## СПОРТ МАЙДОНЛАРИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ.

СПОРТ ИНШООТЛАРИ НАЗАРИЯСИ. Спорт майдонларининг ориентация ва конструкцияси ҳамда ўлчамлари.

✳ Ўйин майдонлари кенглигини аниқлашда уларнинг ўйин ва қурилиш майдони ўлчамларини билиш зарур. Ўйин майдони ўлчами ўйин қоидалари асосида белгиланади. Қурилиш ўлчамлари эса, хавфсизлик зоналари ҳисобига кўра ўйин майдонига нисбатан каттароқ бўлади. 1-жадвалда ўйин майдонларининг асосий ва қурилиши мумкин бўлган ўлчамлари берилган.


✳ Ўйин майдонлари алоҳида ёки бирлашган ҳолда жойлашиши мумкин. Масалан, бир текисликда битта ёки ҳар хил спорт турлари учун бирлашган майдонлар бўлиши мумкин.

1-жадвал

Спорт ўйин майдонларининг асосий ва қурилиши мумкин бўлган ўлчамлари

Спорт тури бўйича ўйин майдонлари	Ўйин майдонларининг ўлчамлари (м)				Осонлаштирилган қоида бўйича ўйин майдони ўлчами	
	ўйин		қурилиш		узунлиги	эни
	узунлиги	эни	узунлиги	эни		
Баскетбол	28	15			26	14
Волейбол	18	9	24	15	15	7,5
Қўл тўши	40	20	44	23	36	18
Бадминтон	13,4	6,1	15	8	12	5
Теннис			40	20	36	18
Футбол	90	60	98	64	60	40
а) қоида бўйича	110	75	118	79	75	50
